



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҲИСОР ЛАНДШАФТЛАРИГА ИНСОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАЪСИРИ

Аллаёров Руслан Хайкал ўғли

мустақил изланувчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

e-mail: allayorov_1992@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Жануби-ғарбий Ҳисор ландшафтларига инсон қишлоқ хўжалик фаолияти таъсири ёритилган бўлиб, унинг нотўғри ёки тартибсиз йўлга қўйилиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги баён этилган. Жануби-ғарбий Ҳисор ландшафтларида қишлоқ хўжалик фаолиятини тўғри йўлга қўйиш борасида таклиф ва тавиялар берилган.

Калит сўзлар: тоғ, яйлов чорвачилиги, лалмикор деҳқончилик, водий деҳқончилиги.

THE EFFECT OF HUMAN AGRICULTURAL ACTIVITY ON THE SOUTHWEST HISAR LANDSCAPES

Allayorov Ruslan

Annotation: This article highlights the impact of human agricultural activities on the landscapes of Southwest Gissar, and states that its improper or erratic management can have negative consequences. Suggestions and recommendations were made on the proper conduct of agricultural activities in the landscapes of the south-western Gissar.


Keywords: mountain, pasture livestock, lalmikor farming, valley farming.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қадимдан табиий ресурсларга бой ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кишилиқ жамиятининг илк босқичларида цивилизация тоғ водийларида таркиб топган.

Жануби-ғарбий Ҳисор инсониятнинг энг қадимий манзилгоҳларидан ҳисобланади. Ушбу тоғлардаги ғорлар, сойлар минглаб йиллар тарихига гувоҳ. Жануби-ғарбий Ҳисор тоғларидан топилган археологик топилмалар бу ҳудудларда инсонлар палеолит давридан бери яшаб, ҳудуд табиати ва табиий ресурсларидан фойдаланганлигидан далолат беради.

Жанубий Ўзбекистонда яшаётган 6 млн кишидан ортиқ аҳолининг тахминан 31,2 фоизи (Қашқадарё вилояти аҳолисининг 40,5 фоизи, Сурхондарё вилояти аҳолисинининг 19,8 фоизи) Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғолди ҳудудларига тўғри келади [1, 125-б.]. ХХI асрнинг дастлабки йигирма йиллигида (2000 – 2020) Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғолди туманларидаги

аҳоли сони салкам 1 млн кишига ортган (1-расм). Маълумки, аҳоли сонининг ортиши табиатга бўлган таъсирнинг ҳам ортишига сабаб бўлади.



1-

расм. Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғолди туманларидаги аҳоли сони динамикаси

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ тизмаларининг сувайирғич қисмлари гляциал (доимий қорлик ва музликлар) зонасидан иборат. Табиий шароитларнинг ниҳоятда мураккаблиги, денгиз сатҳидан 4000 метрдан юқорида иқлимнинг беқарорлиги туфайли экологик муҳитнинг ўзгаришига инсон унчалик катта таъсир қилмаган.

Тоғларнинг ўртача баландликдаги (1200 – 1500 м дан 3000 – 3500 м гача) ёнбағирлари, асосан, ўрмонлар – арчазорлар, қуйироқ қисмида ёнғоқзор, бодомзор, олмазор, дўланазор, пистазорлар ва турли хил бута ва баланд ўт ўсимликлари билан банд.

Тоғ дарё водийлари ва уларнинг қайирлари, бир неча эрозион-аккумулятив террасаларни ҳамда турли қияликдаги ёнбағирларни қамраб олган. Уларнинг табиий шароити иқтисодиётнинг барча тармоқларини қадимдан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган.

Ҳозирги пайтда Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғолди ландшафтларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш тузилмасида учта асосий тармоқ – *яйлов чорвачилиги (чорва боқиши), сугорма ёки водий деҳқончилиги* ҳамда *лалмикор деҳқончилик* мавжуд.

Чорва боқиш. Адирлар ва паст тоғларнинг ёнбағирлари мол боқиш ва пичан тайёрлаш учун, ўртача баланд ва баланд тоғлар баҳор, ёз ва куз ойларида мол боқиш учун фойдаланилади.

Яйловларда боқиладиган моллар сони уларнинг сигимидан ортиқча, меъёрга нисбатан кўпроқ. Узлуксиз катта ҳажмда мол боқиш яйловлар ҳосилдорлигининг кескин пасайишига, озуқабоп ўтлар ўрнига бегона ўтларнинг кўпайиб кетишига олиб келмоқда. Натижада табиий ўт қоплами ниҳоятда сийраклашиб қолган. Яйловларда ўсимлик қопламининг сийраклашуви ёнбағирларда тупроқ эрозияси авж олиб бормоқда.

2021 йилдаги маълумотга кўра Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидаги 7 млн 150 минг бошга яқин қўй ва эчкиларнинг 3 млн 100 минга яқини ёки 43 % дан ортиғи Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғолди туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғолди ҳудудига тўғри келувчи – Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Дехқонобод, Ғузор, Бойсун, Сариосиё, Шеробод, Олтинсой, Денов туманларида 2001 йилда жами 1 млн 345 минг бош қўй ва эчки мавжуд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 2 млн 85 минг бошни, 2021 йилда 3 млн 90 минг бошни ташкил қилган. Ҳудуддаги типик тоғли ҳисобланган Дехқонобод ва Бойсун туманларида мос равишда 728 минг ва 373 минг бош қўй ва эчки тўғри келмоқда.

Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғолди ҳудудига тўғри келувчи туманларда ҳозирда (2021) 1 млн 36 минг бош қорамол мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йилда 676 минг бошни, 2001 йилда 458 минг бошни ташкил этган.

Юқоридаги статистик маълумотлар кўринадики, охириги 20 йилда ҳудудда қўй ва эчкилар сони 2,3 баробар, қорамоллар сони 2,26 баробар кўпайган. Натижада яйлов ўсимликлари ҳосилдорлиги камайган, эрозияланиш ва чангалзорлашганлик даражаси кўпайган.

Суғорма ва водий деҳқончилиги. Гарчи тоғли ва тоғолди ҳудудларда суғорма деҳқончилик катта аҳамият касб этмаса-да, ушбу тармоқ Жануби-ғарбий Ҳисорда мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг бу тармоғининг Жануби-ғарбий Ҳисорнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида мавжудлиги унинг жанубда, тоғ қуруқ чўл ва чала чўл ландшафтларининг таркиб топганлиги ва асосан суғориб деҳқончилик қилинадиган минтақада жойлашганлиги билан изоҳланади. Бу эса ўзига ҳос адир ва тоғ воҳаларининг шаклланишига замин яратган.

Инсон кўпинча ёнбағирларнинг ландшафт ҳолати, динамик ва ривожланиш босқичларини тўлиқ ҳисобга олмасдан хўжалик фаолиятни амалга оширади. Эрозион жараёнларни ривожланишида кишиларнинг хўжалик фаолиятининг таъсири қия ёнбағирларни нотўғри шудгорланишида намоён бўлади.

Лалмикор деҳқончилик. Жануби-ғарбий Ҳисорнинг тоғ олди ҳудудларида катта майдонларда лалмикор ерлар мавжуд бўлиб, у ерларда лалмикор деҳқончилик йўлга қўйилган. Лалмикор ерлар айниқса Қашқадарё ҳавзасида катта майдонларни эгаллайди.

Ҳисор тоғ тизмалари лалми тупроқлари устида махсус тадқиқот олиб борган Қораев А. Х. (2019) маълумотига кўра, сифат жиҳатидан ёмон ерлар ҳар бир тумандаги жами ҳайдалма лалми ерларга нисбатан Шаҳрисабз туманида 3,5 % ни, Деҳқонободда 0,9 % ни ва Ғузурда 23,0 % ни; сифат жиҳатидан ўртачадан паст ерлар Шаҳрисабзда 96,5 % ни, Деҳқонободда 77,7 % ни ва Ғузурда 77,0 % ни; сифат жиҳатидан ўртача ерлар Деҳқонобод туманида мавжуд бўлиб, тумандаги жами ҳайдалма лалми ерларни 21,4 % ни ташкил этади [2, 20-б.].

Жануби-ғарбий Ҳисордаги тупроқлар асосан сув ва ирригация эрозиясига кучсиз равишда учраган. Тўполон дарёсининг ўрта оқими ҳавзасидаги тупроқлар ирригация эрозиясига ва Кўхитангнинг шарқидаги паст тоғлар шамол эрозиясига ўртача ва кучли учраган.

Жануби-ғарбий Ҳисор ландшафтларида инсонларнинг фаолияти таъсирида ўт қопламини пайхон қилиниши ерларни катта майдонларда ювилишига олиб келади, тупроқ унумдорлиги пасаяди. Чорва моллари меъеридан ортиқ боқилиши ўсимликларнинг авлод давомийлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса яйловларнинг деградациясига олиб келади. Шу боис тоғ ёнбағирларида ерларни ҳайдаш эрозияга қарши тадбирларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши, чорва туёқ сонини эса доимий равишда меъерга солиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимкулов Н.Р. Аллаёров Р.Х. Жануби-ғарбий Ҳисор ландшафтларининг инсон фаолияти таъсирида ўзгариши // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Республика илмий-амалий конферецияси материаллари. – Қарши, 19 май 2021 йил. – Б. 125 – 127.

2. Қораев А. Х. Ҳисор тоғ тизмалари лалми тупроқлари ва уларнинг сифатини баҳолаш // б.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун тақ. эт дисс. авт. реф. – Т., 2019. – 46 б.